SJIF IMPACT FACTOR (2021): 5.392 ISSN ONLINE: 2770-2367

AN AMERICAN SCIENTIFIC JOURNAL

Journal of Pedagogical Inventions and Practices



VOLUME 5,
FEBRUARY, 2022

HTTPS://ZIENJOURNALS.COM 5700 TENNYSON PARKWAY, SUITE 300, PLANO, TEXAS 75024

ISSN NO: 2770-2367
Date of Publication: 21-02-2022

Possibilities Of Using Digital Technologies to Increase the Qualifications of Leaders and Teachers in Vocational Education

Z.Ya.Khudaiberdiev,
Director, Professor
S.Yu.Ashurova
Preschool of the Republic of Uzbekistan
Head of the Department of the Ministry of Education, Professor

Annotation. The article highlights the importance of digital educational technologies in the lifelong learning of teachers in the vocational education system, as well as the use of educational platforms and Internet resources in the educational process, the possibility of using modern forms of digital technologies in teaching.

Key words: digital technologies, innovations, independent experience in the field of specialization, alternative education, distance learning, educational platform.

Сўнгги йилларда дунёда таълимнинг аҳамияти изчил ошиб, у нафақат иқтисодиётни, балки бутун жамиятни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда энг муҳим омиллардан бирига айланди. Зеро бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак компетенцияларга эга мутахассисларни тайёрлашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинингг 2021 йил 26 февралдаги 106 - сон “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш, таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, бошқарув ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш учун таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш масалалари устувор вазифа этиб белгиланди. Бунда,профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини оширишда замонавий технологияларни жорий қилиш, малака оширишда муқобил ва мустақил таълим шаклларини жорий этишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, малака ошириш жараёнини рақамлаштириш, тингловчилар учун қулай таълим платформаларини яратиш ва доимий равишда платформа структурасини такомиллаштириб бориш лозим.

Юқорида келтирилган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида **my.moqt.uz**таълим платформаси яратилди. Ҳозирда платформа имкониятларини кенгайтириш, платфармани керакли ахборотлар базаси билан тўлдириш ҳамда платформани такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда рақамли технологиялар малака ошириш жараёнини интеллектуал қўллаб-қувватлаш билан бирга, яъни модуллар бўйича билимларни такомиллаштириш билан бирга, раҳбар ва педагогларнинг шахсий, касбий ривожланишларида ахборот компетенцияларини, ахборот коммуникатив компетенцияларини, ахборот маданиятини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Шунингдек, профессионал таълимда малака ошириш тизими дидактикасини ва унинг таъминотини ривожлантиришга имкон беришини таъкидлаш муҳимдир. Рақамли технологияларнинг имкониятларини муваффақиятли

ISSN NO: 2770-2367
Date of Publication: 21-02-2022

амалга ошириш учун замонавий профессионал таълим дидактикаси тингловчиларнинг касбий маданиятини ва зарурий компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилиши керак.

Ҳозирда таълимни рақамлаштириш жараёнлари нафақат ташаббусли диссертацион тадқиқотларни амалга ошириш даражасида, балки кенг кўламли давлат лойиҳаси шаклида ҳам чуқур таҳлил қилишни талаб қилади.

Малака ошириш тизмида дидактика нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этадиган, ахборот технологияларини ва рақамли технологияларни жорий этиш орқали самарадорликга эришиладиган методик мақсадларга:

- ✓ ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш;
- ✓ тескари алоқа;
- ✓ тингловчилар билан ўқув фаолияти назоратини олиб бориш;
- ✓ ўз-ўзини назорат қилиш;
- ✓ ўқув материалини ўзлаштириш жараёнида машқ қилиш ва мустақил тайёргарликни ташкил этиш;
- ✓ ўқув вақтини тежаш;
- ✓ ўқув ахборотларни компьютер орқали визуаллаиггириш;
- ✓ ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш;
- ✓ компьютерда модуллар бўйича топшириқларни бажариш;
- ✓ ахборот маълумотлар базасини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- ✓ ўқишга қизиқишни орттириш;
- ✓ фикрлашни ривожлантириш;
- ✓ оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш;
- ✓ раҳбар ва педагог кадрларда ахборот маданиятини шакллантириш кабиларни киритиш мумкин.

Рақамли технологиялари малака оширишда таълим мазмуни ривожланишини таъминлайди. Бу технологиялар:

- таълим мазмунини ташкиллаштириш;
- таълим мазмунига оид элементларни боғлаш;
- ахборотларнинг турли кўринишларидан фойдаланиш;
- курсларни дарслар (мавзулар) мажмуаси кЎринишида тақдим этиш;
- дарсни виртуал ҳаракатлар тизими сифатида яратиш;
-ўқув материалларини ўзлаштиришнинг кетма-кетлигини таъминлаш;
- ўқув материаллари мазмунини ўқувчига мослаштириш;
-турли соҳаларда таълим мазмунини ривожлантириш (курс яратувчилар, ўқитувчилар, методистлар/ўқувчилар);
-ўқув мақсадларига эришишда, профессионал баҳслардан фойдаланиш учун восита бўлиб хизмат қилади.

Рақамли технологиялар таълим берувчиларнинг ҳам, таълим олувчиларнинг ҳам фаоллигини оширади. Бундай фаоллик муҳити, ўзаро ижодий ҳамкорликнингсифатини ва самарадорлигини янги босқичга кўтаради. Жадал суръатлар билан ривожланаётган технологиялар ўкув жараёнининг тез такомиллашишини ва янги технологик муҳитга мослашишини тақозо этади. Малака ошириш жараёнида янги ахборот технологияларни қўллаш, педагогик методларнинг самарадорлигини оширишга, педагогларнинг меҳнат фаолиятини ўзгаришига, уларнинг иш услубларини такомиллашишига, педагогик тизимларнинг структуравий ўзгаришига олиб келади. Бу эса педагогик жараёнларни бошқаришни ташкил этиш ва бошқаришда ўзига хос вазифаларни қўяди.

Рақамли технологиялари муҳитида педагогик жараёнларни самарали ташкил этиш:

- ўқитувчилар ўртасида меҳнат тақсимотини;
- масофавий ўқув курслари ва электрон адабиётларнинг яратувчиси бўлган жамоага педагоглар, компьютер дастурчилари ва мутахассисларининг бирлашувини;

ISSN NO: 2770-2367
Date of Publication: 21-02-2022

- педагогик жараённинг ташкил қилинишини такомиллаштириш ва ўқитувчи фаолияти самарадорлигининг мониторингини олиб боришни тақозо этади.

Шуни таъкидлаш керакки, замонавий медиа-ресурслардан фойдаланиш сўзни, визуализацияни бир вақтда ишлатишга, шунингдек идрокни муайян вазифа ва машқларни бажариш билан бирлаштиришга имкон беради, бу эса ўқитиш усулларининг анъанавий таснифида (ахборот манбасига кўра) турли хил услублар гуруҳлари томонидан ифодаланади. Бу хусусиятларни кўриб чиқмаслик, уларни мавжуд усуллар билан боғлаш мумкин, аммо биз рақамли технологияларнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаймиз. Бу шуни англатадики, ушбу хусусиятларни акс эттириш учун таснифлаш хусусиятлари ҳали ҳам зарур.

Масалан, ўқув технологиясида рақамли технологияларнинг дидактик вазифаси табиати бўйича;

виртуал ўқув маконига кириш даражаси, таълим олувчининг ўқув жараёнидаги фаолияти ("булут назорати") хусусияти бўйича (таълим булутида);

белгиланган вазифалар чегарасидан ташқарига чиқиш (булутдаги лойиҳалар билан ишлаш) ва бошқалар.

Рақамли технологиялар профессионал таълим усулларини таснифлашда алоҳида ўрин тутиши керак.Малака ошириш тизимида рақамли технологиялар воситасида таълим олишнинг бир қанча шаклларини келтириш мумкин:

1. Mobile Learning. Мобил ўқиш ва ўқитиш. Интернет тармоғига уланган ва хисоблаш имкониятларга эга мобил қурилмалар mobile “smart phones” воситаларнинг таълимда оммалашуви.

3. One-to-One computing. Ўқитиш жойида ташкиллаштирилаётган ахборот мухити тобора тингловчига яқин ва дўстона тарзда амалга оширилмоқда. Бунда технологияларга универсал имконийлик тамойили илғор сурилиб, турли қурилма ва мосламалардан турли вазиятларда қулай фойдаланишни таъминлаб беради (laptop, computer, smart phone, tablet, кабилар асосида шаффоф синф яратилиши).

4. Ubiquitous learning. Хар вақтда ва хар ерда тамойили (“anytime, anywhere”) анъанавий дарс давомийлигини ва ташкил этилишини такомиллаштирилишини назарда тутади: виртуал мухит орқали тингловчи учун “ubiquitous” – кенг қамровлилик имкониятларини яратиб беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирда малака оишириш институтлари замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари асосида жиҳозланмоқда. Бу, ўз навбатида педагогларнинг ўз меҳнат фаолиятларига янгича ёндашувларини талаб этади. Ўқув жараёнида рақамли технологияларни жорий этилиши, ўқитувчини техник воситалар томонидан сиқиб чиқишга эмас, балки унингвазифалари, ролиниўзгартиради, ўқитувчилик фаолиятининг мураккаблашувига олиб келади. Энди ўқитувчидан:

- курс бўйича маълумот тўпловчи;
- ўқув курслари дизайнери ва дастурчи – ўқув курсларини яратувчи;
- фасилитейтор – ўқитиш методлари бўйича маслаҳатчи;
- тьютор-ўқув курсларини интерфаол тақдим этиш бўйича мутахассис;
- инвигилатор – таълим натижаларини назорат қилиш усуллари бўйича мутахассис бўлиш талаб этилади. Бу малака ошириш тизимида фаолият юритадиган ўқитувчилардан катта маъсулиятни ҳамда доимий ўз малакасини такомиллаштириб боришни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинингг 2021 йил 26 февралдаги “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 106 - сон Қарори.

ISSN NO: 2770-2367
Date of Publication: 21-02-2022

2. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Тайлоқов Н. Таълимда ахборот технологиялари. Олий таълим муассасалариучун / ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.:2010,120 б.
3. Хусанов Н. Б. Инновационные технологии в профессиональном образовании: портфолио // НамДУ илмий ахборотномаси. –Наманган, 2020, №12.
4. Каримова Н., Хусанов Б.Н. Профессионал таълимда компетенцияларни баҳолаш методлари. //Касб-ҳунар таълими журнали, №2 сон, 2020. –Б. 23-26.
5. Тиллаев А.И. Ахборот технологиялари курслари бўйича электрон дарсликлар яратиш ва уларни таълимда қўллаш// Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари – Ал-хоразмий 2012, халқаро илмий анжуман, 2012 йил, 19-22 декабрь.-Т.:2012. - 119-120б.
6. Закирова Ф. ва бошқ. Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. Методик қўлланма, Т.: ОЎМТВ, 2010. – 57б.
7. Агишев Р.Р. Программы академической мобильности: особенности ивозможности // Распространение Болонского процесса: от деклараций квнедрению на практике: В 3 ч. Ч. 2. Тенденции развития Болонского процесса,его инструменты и опыт внедрения. – Казань: КГТУ им. А.Н.Туполева, 2008.- С. 103-110.